
ЎҚУВ МАШЎУЛОТЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 31 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қарор қабул қилинган. "Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз" ғояси асосида ташкил этилаётган бу йилга байрамолди тадбирлари қаторидан ўз навбатида фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, байрам тадбирлари ўтказиладиган майдонлар, ҳудудлар ва иншоотларда техник хавфсизликни таъминлаш, аҳоли ва техник воситаларнинг хавфсиз ҳаракатланиши учун зарур шароитлар яратиш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва улар юз берган тақдирда бартараф этиш учун зарур чоралар, куч ва воситалар аввалдан шай ҳолатда бўлиши таъминмоқда. Бу борада туман ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда даҳлдор ташкилотлар тайёргарлик ишларини амалга оширмоқда. Олтиариқ тумани ФВДТ хизматларининг ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатини ташкил этиш мавзусида махсус тактик ўқув машғулоти ўтказилди. Туман ҳокимининг чегара масалалари бўйича маслаҳатчиси М. Файзиев, туман ФВДТ ва ФМ бўлинмаси бошлиғи И. Валиевлар бошчилигида ташкил қилинган ўқув машғулотларида 89 нафар шахсий таркиб, 21 та махсус техника воситалари қатнашди. Туман соғлиқни сақлаш бўлими, йўллардан фойдаланиш бўлими, электр, газ ва сув таъминоти идоралари тадбирда фаол иштирок этдилар.

2022-08-22 18:04:11